

Ўзбекистон Республикаси номидан
Хал қилув қарори

2023 йил 23 июнь

Каттакўрғон тумани

Каттакўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Тоғаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сагдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] га нисбатан киритган аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Каттакўрғон туманлараро Иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи [REDACTED] Каттакўрғон туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар [REDACTED] нинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишни сўраган.

Тегишли тартибда хабардор қилинган аризачи ва жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 220-моддасига асосан, ишни аризачи ва жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, қўйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, жавобгар [REDACTED] 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этмаган.

Жавобгар [REDACTED] томонидан огоҳлантирилиб, шахсий кабинетига хабарнома юборилган.

Бироқ, солиқ тўловчи томонидан ушбу хабарнома эътиборсиз қолдирилиб, талаб қилинган солиқ ҳисоботи [REDACTED] га тақдим этилмаган.

[REDACTED] томонидан солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор билан жавобгар [REDACTED] нинг тижорат банкларидаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ва ушбу қарор солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банкига юборилган.

Иш ҳужжатларида жавобгар [REDACTED] томонидан даъво аризасида кўрсатилган камчиликлар бугунга қадар бартаф этилганлиги тўғрисида маълумот мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасида, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши, 273-моддасида, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнанинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 111-моддаси, 1-қисмига асосан, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн



кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади. 3-қисми, 1-бандига асосан солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда, солиқ органи томонидан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 217-моддасига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 17-бандида, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод қилинган.

Шунингдек, суд ариза судга электрон кўринишда тақдим қилинганлиги ва иқтисодий иш электрон шакллантирилганлиги учун тарафлардан почта харажати ундирилмасликни инобатга олишни лозим топди.

Уқоридагиларни инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED]нинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи [REDACTED]га тақдим этилгунига қадар тўхтатишни, тарафлардан давлат божи ва суд харажатларини ундирмасликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 273, 111-моддалари ва Иқтисодий процессуал кодексининг 176-180, 186, 220, 222-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И:

Аризачи [REDACTED]нинг жавобгар [REDACTED]га нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED]нинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи [REDACTED]га тақдим этилгунига қадар тўхтатилсин.

[REDACTED]га хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисоб варақлар бўйича операциялар тиклансин.

Тарафлардан давлат божи ва суд харажатлари ундирилмаслик инобатга олинсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томон ўн кун муддат ичида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтириш) ҳақли.

Судья

М.Тоғаев

